

**Умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида**  
**“Менинг ижод маҳсулим” анъанавий ўқувчи-ёшлар медиа фестивалини**  
**ташkil этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги**  
**НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1.1. Мазкур Низом умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида (кейинги ўринларда умумтаълим мактаблари деб юритилади) “Менинг ижод маҳсулим” анъанавий ўқувчи-ёшлар медиа фестивалини (кейинги ўринларда фестиваль деб юритилади) ташkil этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

1.2. Фестиваль умумтаълим мактабларининг 8-11 синфларида таълим олаётган (14-18 ёшдаги) ижодкор ўқувчи-ёшларнинг ижодий фаолиятини оммалаштириш, касбий маҳоратини ривожлантириш, уларни кўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш мақсадида ташkil этилади.

**II. Фестивалнинг мақсад ва вазифалари**

2.1. Фестивалнинг асосий мақсади – ижодкор ўқувчи-ёшлар ижодий фаолиятини оммалаштириш, касбий маҳоратини ривожлантириш, кўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш орқали медиа ижодкорликка бўлган кизиқишини оширишдан иборат.

2.2. Фестивалнинг вазифалари – ўқувчи-ёшларнинг бошқа ҳудудлардаги тенгдошлари билан тажриба алмашинувини ташkil этиш, ижодкорлик медиа маҳсулотларини таълим муассасларида кенг тарғиб этиш, ўқувчи-ёшларнинг билим кўникмаларини янада мустаҳкамлаш мақсадида мутахассислар иштирокида маҳорат дарслари орқали билим кўникмаларини бойитиш, уларнинг ижод намуналарини оммавий ахборот воситаларида эфирга узатишда кўмаклашиш, фестиваль ғолибларига республика ва халқаро танловларда иштирок этиш учун имконият яратиб беришдир.

**III. Фестивални ташkil этиш тартиби**

3.1. Фестиваль кўйидаги олти йўналишда ташkil этилади:

– **I йўналиш:** “Энг яхши ижтимоий ролик” – ўқувчи муаллифлигида “Менинг мактабим!”, “Менинг ўқитувчим – менинг қаҳрамоним!”, “Ўқувчининг бир куни” каби мавзуларнинг бирига ёзилган сценарий асосида тасвирга олинган 3 дақиқалик видеороликлар;

– **II йўналиш:** “Энг яхши медиа ишланма” – ўқувчи муаллифлигида мактаб ҳаёти, китобхонлик, таълим олиш тизимини, таълим муассасаси ёшлар ташkilоти фаолияти ҳақида маълумотлар алмашинуви тизимини жорий қилиш бўйича ишлаб чиқилган веб саҳифа, сайт, мобил илова ёки электрон дастур;

– **III йўналиш:** “Энг яхши тарғибот каталоги” – ўқувчи муаллифлигида “Соғлом турмуш тарзи”, “Ўқувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари”, “Экологик маданият”, “Сен ёшлар иттифоқини биласанми?”, “Таълим ва мутахассислик” каби мавзуларнинг бирига тайёрланган тарғибот каталоги (тарғибот каталоги А2 форматда компьютер графикаси асосида тайёрланган бўлиши ва энг камида 4 та саҳифадан иборат бўлиши лозим);

– **IV йўналиш:** “Энг яхши мактаб рўзномаси” – ўқувчи-ёшлар ва мактаб бошланғич ташкилоти сардорлари томонидан тайёрланган мактаб ҳаёти, ўқувчиларнинг ўй-фикрлари, уларнинг билимини янада мустаҳкамлаш учун хизмат қилувчи материаллар жамланган мактаб рўзномаси (газетаси);

– **V йўналиш:** “Энг яхши мактаб радио эшиттириши” – ўқувчи-ёшлар ва мактаб бошланғич ташкилоти сардорлари томонидан тайёрланган радиоэшиттириш сценарийси ва олиб борилган радиоэшиттиришнинг ёзиб олинган аудио матни;

– **VI йўналиш:** “Менинг орзуимдаги замонавий мактаб” лойиҳаси – ўқувчи-ёшлар ва мактаб бошланғич ташкилоти томонидан тайёрланган замонавий мактаб лойиҳасининг дизайни ва коцепцияси.

### 3.2. Фестиваль уч босқичда ўтказилади:

– иштирокчиларнинг ариза ва ижодий ишлари ҳар йили 20 декабрга қадар махсус анкеталарга илова қилинган ҳолда (йўналишлардан келиб чиқиб) Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Ўқувчи ва ёшлар ташкилотлари билан ишлаш бошқармасига тақдим этилиши лозим (почта хизмати орқали);

– **бирламчи саралаш босқичи** – ҳар йили 20-25 декабрь кунлари ташкилий кўмита аъзолари томонидан келиб тушган ижодий ишлар сараланиб, ҳар бир йўналишдан 8 тадан иш Фестивалнинг республика босқичига тавсия этилади.

– фестивалнинг республика босқичи январь ойидаги қишки таътил вақтида қишки оромгоҳ лойиҳаси доирасида ташкил этилади.

3.3. Ташкилий кўмита фестивални ўтказиш бўйича барча ташкилий масалаларни ҳал этади, фестивалнинг республика босқичи ҳакамлар ҳайъати таркибини тузади ва тасдиқлайди.

3.4. Фестивалнинг тақдирлаш маросими танлов ўтаётган ҳудуд ҳокимлиги билан келишилган жойларда тантанали равишда ўтказилади.

## **IV. Фестивал иштирокчилари**

4.1. Фестивалда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида жойлашган умумтаълим мактабларининг 8-11 синфларида таълим олаётган (14-18 ёшдаги) ўқувчи-ёшлар иштирок этади.

4.2. Фестивалда иштирок этувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

- иштирокчи анкетаси иловага мувофиқ;
- шахсини тасдиқловчи ҳужжат (туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома нусхаси);
- мактаб ўқувчилигини тасдиқловчи маълумотнома;
- ижодий ишининг 1 нусхаси (видео ва аудио файллар дискда).

4.3. Фестивалда иштирокчилар фақатгина ўзининг муаллифлик ишлари билан қатнашиши мумкин.

4.4. Фестивалда ғолибликни қўлга киритган иштирокчи кейинги йили фестивалда иштирок этмайди.

4.5. Фестивалга тақдим этилган ишлар бундан олдин танлов ва фестивалларга олиб чиқилмаган бўлиши лозим.

## **V. Баҳолаш мезонлари**

5.1. Фестиваль иштирокчиларнинг ижодий ишлари йўналишлар бўйича алоҳида мезонларга мувофиқ баҳоланади. Ҳар бир йўналиш бўйича 5 та баҳолаш мезони мавжуд бўлиб, ҳар бир мезон (20 баллдан) жами 100 баллик тизимида баҳоланади.

– **I йўналиш:** “Энг яхши ижтимоий ролик” – профессионал ёндашув, мазмундорлиги (сценарий), вақт регламенти (3 дақиқадан ошмаслик), оригиналлик (ўзига хос ва кўчирилмаган), видео сифати;

– **II йўналиш:** “Энг яхши медиа ишланма” – мазмун ва моҳияти, фойдалилик (натияждорлиги ва долзарблиги), оригиналлик (ўзига хос ва кўчирилмаган), профессионал ёндашув, таълим стандартларининг эътиборга олингани;

– **III йўналиш:** “Энг яхши тарғибот каталоги” – мазмундорлиги, мавзунинг фойдалилиги (натияждорлиги ва долзарблиги), оригиналлик ва дизайни, ўз фикрини амалга ошириш даражаси (ўзига хос ва кўчирилмаган), фойдаланилган технологияларнинг қанчалик тўғрилиги;

– **IV йўналиш:** “Энг яхши мактаб рўзномаси” – мазмундорлиги, мавзуларнинг фойдалилиги (натияждорлиги ва долзарблиги), оригиналлик ва дизайни, мактаб ҳаёти билан боғлиқлилик даражаси (ўзига хос ва кўчирилмаган), фойдаланилган технологияларнинг қанчалик тўғрилиги;

– **V йўналиш:** “Энг яхши мактаб радио эшиттириши” – стилистикаси, ифодали (жонли ва таъсирли) тарзда экани; танланган мавзуларнинг долзарблиги; оригиналлик (ўзига хослик), бугунги кун билан боғлиқлик даражаси;

– **VI йўналиш:** “Менинг орзуимдаги замонавий мактаб” лойиҳаси – оригиналлик (ўзига хос ва кўчирилмаган), профессионал ёндашув, креатив ёндашув, фойдалилик (натияждорлиги ва долзарблиги) ва макетнинг дизайни.

5.2. Фестивалнинг Республика босқичида баҳолаш жараёнида иштирокчиларнинг соғлом рақобат қоидаларига амал қилгани маънавий-ахлоқий жиҳатдан ўзини наъмунали тутганига ҳам эътибор қаратилади.

5.3. Фестивалнинг республика босқичида ҳар бир йўналиш бўйича энг юқори балл тўплаган иштирокчилар фестиваль лауреатлари деб эълон қилинади.

5.4. Фестивалда иштирок этган ишлардан ҳар бир йўналиш бўйича 2 тадан ижодий иш номинациялар бўйича тақдирланади.

## **VI. Ғолибларни тақдирлаш**

6.1. Фестивалда энг юқори балл тўплаб фестивал лауреати бўлган 6 нафар иштирокчилар лауреатлик сертификати, статуэтка ва планшет билан, номинациялар бўйича ғолиб деб топилган 6 нафар иштирокчи махсус диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланади.

6.2. Лауреатларнинг ижодий ишлари Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси томонидан телеканалларда ижтимоий роликлар учун ажратилган соатларда (бепул) эфирга узатиб борилади.

**“Менинг ижод маҳсулим” анъанавий ўқувчи-ёшлар  
медиа фестивали иштирокчисининг**

**АНКЕТАСИ**

Фотосурат  
учун жой

(3x4)

1. Ф.И.Ш.:

\_\_\_\_\_;

2. Туғилган санаси (кун, ой, йил):

\_\_\_\_\_;

3. Боғланиш учун маълумотлар (телефон, e-mail):

\_\_\_\_\_;

4. Яшаш жойи (вилоят, туман, кўча...):

\_\_\_\_\_;

5. Мактаб рақами (синфи):

\_\_\_\_\_;

6. Қайси йўналишда иштирок этиш истагидасиз (йўналишлардан бирини танланг)?

- I йўналиш:** “Энг яхши ижтимоий ролик”
- II йўналиш:** “Энг яхши медиа ишланма”
- III йўналиш:** “Энг яхши тарғибот каталоги”
- IV йўналиш:** “Энг яхши мактаб рўзномаси”
- V йўналиш:** “Энг яхши мактаб радио эшиттириши”
- VI йўналиш:** “Менинг орзуимдаги замонавий мактаб” лойиҳаси

7. Танлаган йўналишингиздан келиб чиққан ҳолда тақдим этилаётган материаллар (номи ва ҳажми)?

\_\_\_\_\_;

8. Медиа фестивалдан нимани кутмоқдасиз (қуйидагилардан Сизга мосини белгиланг)?

- ноёб билим ва кўникмалар;
- тижорий ҳамда ижтимоий лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган тажрибаларга эга бўлмоқчиман;
- юртимизнинг машҳур инсонлари билан кўришиш истагидаман;
- кучли ва етакчи ёшлар жамоа аъзоси бўлмоқчиман;
- бошқалар.

сана: \_\_\_\_\_ имзо: \_\_\_\_\_